Махсулот сотиш ва харид килиш Ш А Р Т Н О М А си № 27-7

27 октябр 2022 йил Тошлок т.

Ушбу шартнома бир томондан **Низомга** асосан иш юритувчи **"Abdusalom Yuksak Kelajak" МЧЖ** (келгусида **«Махсулот етказиб берувчи»** деб аталади) номидан рахбар **А.Содиқов** ва иккинчи томондан **Тошлоқ тумани хокимлиги** (келгусида **«Буюртмачи»** деб аталади) номидан рахбар **А.Джурабаев** томонидан куйидагилар тугрисида тузилди:

**1. Шартнома предмети**

**1.1. «Махсулот етказиб берувчи»** махсулотни ушбу шартнома шартлари буйича етказиб беради, **«Буюртмачи»** эса уни кабул килиб олишга мажбур.

**1.2.** Махсулот ассортименти ва бахоси (спецификацияси)

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Беш ташаббус олимпиадаси 2-босқич учун фотобумага | Пачка | 50 | 50 000 | 1 500 000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами** | | | | **1 500 000** |

Шартноманинг умумий сумма: **1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўм.**

**2. Бахо ва тулов тартиби**

**2.1.** Махсулот учун тулов пул утказиш йули билан амалга оширилади.

**2.2. «Буюртмачи»** шартнома умумий суммасининг 30% и, яъни **450 000** сўмни аванс тарикасида шартнома тулик кучга кирган кундан бошлаб 20 банк иш куни мобайнида, колган кисми, 70%и, яъни **1 050 000** сўмни **«Махсулот етказиб берувчи»** махсулотни етказиб берган кундан бошлаб 20 банк иш куни давомида **«Махсулот етказиб берувчи»**нинг банк хисоб ракамига утказиб бериши шарт.

**3. Махсулот етказиб бериш муддати ва тартиби**

**3.1. «Махсулот етказиб берувчи»** махсулотни хисоб ракамига аванс маблаги келиб тушган кундан бошлаб 5 банк иш кунида махсулотни етказиб беради.

**3.2.** Махсулот «Буюртмачи»нинг транспортида ташилади.

**3.3.** Махсулот хисоб-варак фактурага имзо куйиб кабул килиб олинган вактдан бошлаб «Буюртмачи»нинг мулкига айланади.

**4. Махсулотни топшириш ва кабул килиш**

**4.1. «Буюртмачи»** ваколатли шахси кабул килиб олиш жараёнида махсулотнинг ишга яроклилигини, сифати, микдори жихатидан шартномага мос келишини текшириб олиши лозим. Махсулот тулик кабул килиб олингандан сунг махсулотни саклаш жавобгарлиги **«Буюртмачи»** ваколатли шахси зиммасига утади.

**5. Махсулот сифати**

**5.1.** Махсулот сифати Узбекистон Республикаси стандарти талабларига жавоб бериши шарт.

**5.2.** Махсулот транспортда ташиб кетиш учун кулай килиб жихозланиши лозим.

**6. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари**

**6.1. «Буюртмачи»** шартноманинг 2.2 бандида курсатилган туловни белгиланган муддатда кечиктириб юборган холда, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4%и микдорида кушимча пения тулайди. Лекин туланган пениянинг умумий микдори кечиктирилган тулов суммасининг 50% идан ошиб кетмаслиги лозим.

**6.2. «Махсулот етказиб берувчи»** махсулотни шартноманинг 3.1 бандида курсатилган муддатда етказиб бермаган такдирда, кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган махсулот

кийматининг 0,4%и микдорида пения тулайди. Лекин туланган пениянинг умумий микдори кечиктирилган махсулот кийматининг 50%идан ошиб кетмаслиги лозим.

**6.3.** Назорат органлари томонидан утказилган текширувлари давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк «Сотувчи» томондан копланади.

### 7. Низоларни хал этиш тартиби

**7.1.** Низоли вазиятлар томонларнинг узаро келишувчи асосида хал этилади.

**7.2.** Низоли вазиятлар томонларнинг узаро келишуви асосида хал этилмаган такдирда Иқтисодий суд оркали хал этилади.

### 8. Шартномани амал килиш муддати

**8.1.** Шартнома икки томонлама тулик тасдиклагандан сунг «31» декабр 2022 йилгача хакикий деб хисобланади.

### 9.Форс – мажор

**9.1.** Агарда ушбу шартнома шартларини бажаришга халал берувчи енгиб булмас кучлар, уруш эълон килиниши, зилзила, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий офатлар ёки Узбекистон Республикаси томонидан чикарилган алохида карор ва фармойишлар юзага келса, у холда томонлар ушбу енгиб булмас кучлар таъсири вактида шартномавий жавобгарликдан озод этиладилар.

### 10.Кушимча шартлар

**10.1.** Шартнома бир хил юридик кучга эга 2 (икки) нусхада тузилади хамда томонларнинг хар бирида 1 (бир) нусхадан сакланади. Агар томонлардан бири узига тегишли нусхани йукотган такдирда колган нусханинг ксеронусхаси хакикий деб хисобланади.

**10.2.** Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 2-кичик бўлим, 27-боб, 366-моддасига асосан шартнома Газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг тўлик юридик кучга эга деб хисобланади.

**10.3.** Томонларнинг юридик манзиллари ёки банк реквизитлари узгарган такдирда 3 банк иш куни давомида бир-бирларини ёзма огохлантиришлари шарт.

**10.4.** Томонлардан бири иккинчисининг ёзма равишда тасдикланган розилик хатисиз шартнома буйича хукук ва мажбуриятларни учинчи шахс зиммасига утказолмайди.

### Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари:

**«Махсулот етказиб берувчи»**

**"Abdusalom Yuksak Kelajak" МЧЖ**

Манзил: Тошлок т. Сўфилар мфй

МФО: 01123

Х/Р: 20208000905399118001

Банк номи: Трастбанк Фаргона фил.

ИНН: 308555839

**Раҳбар:** ____________ **А.Содиков**

**«Буюртмачи»**

**Тошлоқ тумани хокимлиги**

Манзил:Тошлоқ тумани А.Навоий 32 уй
Ш/Х: 305022860302277109601018001
ИНН: 200186254 ОКОНХ: 98000
Тошлок тумани буйича Газначилик булинмаси: МФО: 00014
Х/Р: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси ХККМ
Газначилик СТИРи 201122919

**Раҳбари:** ____________ **А.Джурабаев**

Туман хокимлиги бош юрисконсульти: ____________ З.Эргашов